



«ТАСДИКЛАЙМАН»

Жиззах шаҳар ХТБ

Б. Камилов

28 - Апрель 2022 йил

**Жиззах вилояти Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимига  
қарашли №12-мактаб биносини жорий таъмирлаш  
ишлари учун смета-лойиха ва экспертизия  
хужжатларини тайёрлаш**

**Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш  
хужжатлари**

**ТЕХНИК ТОПШИРИК**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**  
**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

Танлов предмети: Жиззах вилояти Жиззах шаҳар ҳалқ таълими бўйимига қарашли № 12-мактабини жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш АТТА лойиҳаси, техник кўрик ишлари ҳаражатлари билан бирга).

Танловнинг юкори қиймати ҚҚС билан 23 400 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади. 1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишили манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 30 фоизи доирасида амалга оширилади.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Жиззах шаҳар ҳалқ таълими бўйими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Жиззах вилоят Жиззах шаҳар Тошлоқ маҳалласи Шифокорлар кўчаси №5уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиши бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказиласади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказиласади.

**3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: 2 - шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; - ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; - Лицензия, гувохнома; -

Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ташкилот ишли-ходимлари); - Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, бухгалтерия баланс ҳужжатлари; салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот; - Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти; -

Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси; - Оргтехника жиҳозлари ва дастурлар рўйхати; - Кафолат хати (буюртмачига ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда). Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун

белгиланган тартибга мувофиқ тегишили лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида  
турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок,  
холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий  
қарамлиги мавжудлар.

#### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишили иловалар ва хужжатлар, маълумотлар  
“Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим: • Техник қисмда,  
“Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар  
кўрсатилиши керак; • Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида,  
хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ  
кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак. Танлов иштирокчилари хар бир талаблар бўйича ўз  
таклифларини яхлит холда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан  
тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда  
платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади: Техник ва нархлар бўйича қўйидаги  
таклифлар: • Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш  
хужжатлар рўйхати илова қилинади); • Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал  
тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси: - фақат битта таклиф бериши мумкин; - тақдим этилаётган  
хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади; -  
таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш  
киритиш ҳуқуқига эга.

#### 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида  
амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида  
жойлаштирилиши лозим.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат ҳаридлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда  
белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат ҳаридлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб  
иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига  
жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда  
давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга  
мажбурдир.

#### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда  
иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор  
қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга ўйл қўйилмайди. Бунда ушбу  
танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар  
киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда,  
агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиши тўғрисидаги эълонга

ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт.

Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.